

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган ёш олимлар амалий лойиҳалари танлови мавзуси

“Фармакология ва фармацевтика фанлари” йўналиши бўйича

№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
1	<p>Ўсимлик симбионтлари-замбуруғларнинг ўсмага қарши ва антивирус фаолликлари асосида персоналлаштирилган тиббиёт дори воситалари субстанциялари учун биологик фаол моддалар панелини яратиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: Республикамизда тарқалган ўсимлик симбионтлари-замбуруғларнинг ўсмага қарши ва антивирус фаолликлари асосида персоналлаштирилган тиббиёт дори воситалари субстанциялари учун биологик фаол моддалар панелини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий-тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқалган айрим симбионт замбуруғларнинг ўсмага ва вирусга қарши фаолликга эга бўлган иккиламчи моддалари идентификация қилинади; - аниқланган биологик фаол моддаларни тоза ҳолда ажратиш усуллари ишлаб чиқилади; - ўсмага ва вирусга қарши фаолликга эга замбуруғларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқалиш харитаси тузилади; - аниқланган биологик фаол моддаларга организмнинг сезувчанлик ва чидамлилиқ биокимёвий ва молекуляр-генетик маркерлари ўрганилади; - республикамизда тарқалган ўсимлик симбионтлари-замбуруғларнинг ўсмага қарши ва антивирус фаолликлари асосида персоналлаштирилган тиббиёт дори воситалари субстанциялари учун биологик фаол моддалар панели яратилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Ўзбекистонда фармацевтика соҳасини ривожлантириш мақсадида, маҳаллий хом-ашёлардан субстанциялар ишлаб чиқариш учун яратилган биологик фаол моддалар панели ўсимта хужайраларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus халқаро маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,6 млрд сўм
Жами йиллик:			0,6 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,2 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*